Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН + 28 июль 1973 йил, шанба + № 176 (15.650). + Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КИЕВДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 27 июлда Киевдан Қримга жўнаб кетди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Г. Э. Цуканов, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ҳам жўнаб кетдилар.

Борисполь аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР тайёрлаш министри Г. С. Золотухин, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушецкий, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Украина ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрликлари ва идораларининг, Киев области ва шаҳри партия ҳамда Совет органларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ҚРИМГА КЕЛДИ

СИМФЕРОПОЛЬ, 27 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Қримга келди.

Симферополь аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Қрим область комитетининг биринчи секретари Н. К. Кириченко ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМИ

Коммунистик қурилишда муҳим босқич бўлган тўққизинчи беш йилликнинг биринчи ярмига якун ясалди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно раҳбарлигида буюк бунёдкорлик ишларини КПСС XXIV съезди Директиваларида белгиланган даражада, экономиканинг кўпчилик соҳаларида эса контрол рақамлардан анча илдам суръатлар билан поёнга етказаётганликлари яқинигинада эълон қилинган СССР ва республикамиз Марказий статистика бошқармаларининг маълумотларида яққол кўринib турибди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1973 йил халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик экономикамиз ва қишлоқ хўжалигимизнинг турли жабҳаларида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш бўйича қабул қилган маълум қарорлари бутун меҳнат аҳлининг ташаббус булоғини жўш урдириб юборди, омманинг куч ва ғайрати, талант ва қобилиятларини партиямизнинг илҳомбахш режаларини амалга оширишга сафарбар этди.

Экономикамиз тараққиётининг кўзгуси бўлган статистика ахборотларига бир назар ташланг. Усиш, юксалишимизнинг суръатларини кўрсатиб турган ҳар бир рақам бамисоли жўшқин меҳнатимиз шарафига айтилган қўшиқдай, ёқимли симфониядай янграйди. Қаранг, ишчилар синфимизнинг саховати нақадар кенг: ҳал қилувчи йилимизнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқаришини 5,8 процент ўстириш назарда тутилган бўлса, бунёдкор синф, революцион синф ўз анъанасига содиқ қолиб, бу рақамни 7 процентга етказди. Шунчаки қараганда оддий бўлиб туюлган бу рақамлар заминда беҳад-беҳисоб моддий бойликлар яшириниб ётибдики, бунинг мағзини чақиб кўрган ҳар бир киши ҳақиқатан ҳам бу рақамлар ниҳоятда салмоқли, мамлакатимиз камолот чўққисига кўтарилаётганлигининг жуда аниқ кўрсатқичи дея фахрлана олади. Ахир, пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўзидан Ватанимиз бойлигига 4,6 миллиард сўм миқдорида нақд бойлик қўшилди! Бундан нега қувонмаймиз, бундан нега фахрланмаймиз!

Бугунги кунда яратувчилик ишлари билан бутун оламни қойил қолдирайтган социалистик мамлакатимиз шу ярим йил мобайнида ўзлаштирилган ва ишлаб чиқаришга киритилган янги маҳсулотлар хилининг ўзи 1600 дан ошади. Буларнинг ҳаммаси Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг олдинги маррасида бораётган шонли ишчилар синфимизнинг заковати натижаси, улар ичидан етишиб чиққан ишлаб чиқариш командирларининг моҳирона раҳбарлик санъати мевасидир.

Республикамиз экономикасида ҳам худди шундай ёрқин манзарани кўриш мумкин. Дадил айтиш мумкинки, беш йилликнинг биринчи ярми якунлари республика халқ хўжалигини ривожлантиришда энг муҳим кўрсатқичларнинг аксарияти бўйича кўзда тутилган ишлар кўнгилдагидек бормоқда. Саноат корхоналари ва умуман халқ хўжалиги бўйича олинган фойданинг ўзи шу ярим йил ичида 11 процентдан зиёд кўпайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига таққослаганда электр энергетикада 8,5 процент, қора ва рангли металлургияда 5,7 процент, химия ва нефть химияси саноатида 18,9 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида 14,1 процент, бинокорлик материаллари саноатида 11,9 процент ошди. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги юксалиш рақамларидан ҳам кўз қувониб, дил яйрайди.

Шуниси қувончлиқ. Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, барча областлар ва республикамиз пойтахти саноат маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик планини бажарди. Республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техникани янада тараққий эттириш тадбирлари амалга оширилиб, прогрессив технология жараёнлари жорий этилди, ишлаб чиқаришнинг комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш давом эттирилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Украина ССРга Халқлар дўстлиги ордени топшириш маросимида нуқ неча сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «эришилган ютуқларни муносиб тақдирлаш билан бирга беш йилликнинг қолган йилларида қозиргача қилинганидан кам эмас балки кўпроқ иш қилиниши лозимлигини унутмаслик керак. Партия 1975 йил учун белгилаб берган марраларга эришмоқ ва яна олга ҳаракат қилмоқ учун шарт-шароит қозирламоқ мақсадида ҳали кўп ва жуда кўп меҳнат қилиши керак». Масалага мана шу нуқтан назардан ёндашганимизда ҳали фойдаланмаётган кўпгина резерв ва имкониятлар борлиги яққол аён бўлиб қолади. Жумладан, минерал ўғит, экскаваторлар, ўсимлик ёғи ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш топшириқлари бирмунча бажарилмай қолди. Баъзи корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархини камайтириш ва фойда олиш топшириқларини уддалай олмадилар.

Капитал маблағлар сарфлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш — кун тартибида турган энг муҳим масалаларнинг асосийсидир. Ўтган ярим йил мобайнида давлат йўли билан капитал маблағ сарфлаш қисобига республикамизда 715 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Умуман халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар 1 миллиард 435 миллион сўмни ташкил этди. Бу — ўтган йилнинг худди шу давридагидан 10 процент кўпдир.

Иш манфаати юксалиш суръатлари бу борада ҳали кўпгина тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Қолбуки, бир қатор қурилиш ташкилотларида янги объект ва қувватларни, асосий фондларни ишга тушириш планлари бажарилмай қолди. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг иш ҳажми, меҳнат унумдорлиги, қурилиш ва монтаж ишлари таннархини камайтириш плани ҳам кўнгилдагидек бўлмади.

Беш йиллигимизнинг тақдири шу кунлардаги фидокорона меҳнатимизга, партия ташкилотларининг омма орасида олиб бораётган сиёсий ва ташкилотчилик ишлари савиясига, бу ишларнинг таъсирчанлигига боғлиқ. Шундай экан, халқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида план ва мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун жонбозлик қилиш республикамиз партия ташкилотлари, тегишли министрликларнинг диққат марказида туриши лозим.

Бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнат аҳли ҳам тўққизинчи беш йилликнинг ниҳоятдаги муҳим вазифаларини муддатидан илгари бажариш учун курашда бундан буён ҳам куч-ғайратларини аямай сарфлашларига шак-шубҳа йўқ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Москва темир йўли Люблино-Сортировочная станцияси коллективининг транспорт воситаларидан янада самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги ташаббуси тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: мамлакатнинг темир йўлчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш соҳасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳозирги вақтда шоҳобчаларни тортув кучларининг янги турларига кўчириш тугалланаётганлиги, кўп юк ортиладиган вагонлардан кенг фойдаланилаётганлиги, поездларнинг вазни ва ҳаракат тезлиги ортиб бораётганлиги муносабати билан сортировка станциялари вагонларнинг узлуксиз қатнаб туриши ва юкларни жадал етказиб бериш учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ташаббускори бўлган Люблино-Сортировочная станциясининг коллективи харакат составини тайёрлаш технологиясини анча такомиллаштиришга эришди. Станция раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари 1973 йил топшириқларини ва тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа давомида коллективнинг куч-ғайратини ҳаракат интенсивлиги ортганлигини ҳисобга олиб, станция иш жараёнининг энг мақбул режимларини жорий этишга сафарбар қилмоқдалар.

Станцияда ҳисоблаш техникаси ва замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиб, составларни тузиш ва тарқатишга диспетчерлик раҳбарлигининг прогрессив методи қўлланилмоқда. Операциялар ўртасида бехуда ўтадиган вақт кўп даража қисқартирилди ва навбатчилар алмашиниган вақтда бекор туришга барҳам берилди. Станцияни қисман ривожлантириш соҳасидаги зарур ишлар эксплуатация ходимлари кучлари билан асосан корхона фонди ҳисобига бажарилди. Станциянинг ҳамма бўлинмалари смена хўжалик ҳисобига кўчирилди. Бунинг натижасида комплекс бригадаларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлиги ошди.

Станциядаги технология жараёнини яхши йўлга қўйишда ишчилар, инженерлар ва техникларнинг актив иштироки, уларнинг юксак меҳнат интизоми, маҳкам алоқа боғлаб иш кўраётганлиги ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги ҳаракатсоставини тезроқ тузиш, ишлаб турганлар сонини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва оғир ҳамда хатарли касбларни тугатишга эришиш имконини берди.

Люблино станциясида тўхтаб турган транзит вагонларни қайта тузиш тўқкизинчи беш йиллик бошидан буён 5,7 соатдан 4,8 соатгача қисқартирилди. Бу эса мамлакатдаги сортировка станциялари учун энг яхши кўрсаткичдир. Шунинг натижасида фақат ана шу станциянинг коллективи икки ярим йил ичида қўшимча юк ортиш учун 140 мингдан ортиқ вагонни бўшатиб берди.

Ҳозирги вақтда мамлакатдаги темир йўлларда Люблино станцияси коллективининг ташаббусини ёйиш халқ хўжалиги юкларини кўпроқ ташиш учун катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети Люблино станцияси ходимларининг транзит вагонларни қайта тузиш илғор технологиясини вужудга келтириш ва жорий этиш соҳасидаги тажрибасини маъқуллади. Бу — транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини кўпайтиришни, сортировка станциялари ходимларининг меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитети Йўллар министрлигига ва темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетига Люблино станцияси коллективининг илғор иш методларини барча темир йўл корхоналарида кенг ёйиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўришни топширди.

Партия Марказий Комитети Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, ВЦСПСга ва ВЛКСМ Марказий Комитетига халқ хўжалик юкларини ташишни жадаллаштириш учун транспорт ходимларининг социалистик мусобақасини янада авж олдириш вақтида Люблино станцияси тажрибасидан фойдаланишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, халқ истеъмол қиладиган моллари ўз вақтида етказиб беришга, шунингдек қиш олдидан хом ашё ва ёқилғи запасларини вужудга келтиришга алоҳида эътибор беришни тавсия этди.

СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига: «Правда», «Известия», «Социалистическая индустрия» ва транспорт тармоқ газеталарининг редакцияларига темир йўлларда ва саноат корхоналарига олиб борадиган йўлларда Люблино станцияси коллективининг тажрибаси қандай ёйилаётганлигини мунтазам суратда ёритиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети темир йўлчилар мавжуд илғор тажрибани ижодий тарзда ривожлантириб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ҳал қилувчи учинчи йил топшириқларини ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар, халқ хўжалик юкларини ўз вақтида ва узлуксиз ташишни таъминлайдилар ҳамда мамлакат экономикасини янада юксалтириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирди.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ШУҲРАТИ

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Совет кишилари жонажон ленинчи партияни даврининг адлидроки, шон-шарафи ва ор-номуси деб биладилар. Улар ўзларининг бахтиёрликлари учун, бунёдкорлик меҳнат қувончи учун коммунистлар партиясидан миннатдордирлар. Мамлакатимизда революцион марксистик ташкилотларни бирлаштириш жараёнини тугаллаган ва янги типдаги пролетар партия — большевиклар партияси фаолиятига асос солган РСДРП иккинчи съезди ининг 70 йиллигини шаҳарлар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари шу қадар кенг кўламда тантанали равишда нишонлаётганликларининг боиси ана шундадир.

Шонли санага бағишлаб 27 июлда Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Шонли йиллигини нишонлаш учун А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрига партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, социалистик мусобақа илғорлари, Ленин тарбиялаб вояга етказган кўп миллатли совет давлатининг шуҳратини ўз меҳнатлари билан кўпайтираётган, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган кишилар келишди.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Н. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, партия ветеранлари ўтиришибди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб очади.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

РСДРП иккинчи съезди ининг 70 йиллиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов доклад қилди.

Раислик қилувчи тантанали йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади. Зал гумбазлари остида партия гимни — «Интернационал» улуғвор янграйди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

27 июлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов республикада меҳмон бўлиб турган Танганьика африкаликлар миллий иттифоқи (ТАНУ) партияси делегациясини қабул қилди. Делегацияга миллий иттифоқ партияси Марказий Комитетининг ва ТАНУ миллий ижроия комитетининг аъзоси Селеман Мхазаму бошчилик қилмоқда. Делегация Совет Иттифоқида КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан меҳмон бўлиб турибди.

Ш. Р. Рашидов меҳмонларга республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда Ўзбекистон партия ташкилоти қилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Селеман Мхазаму Ўзбекистонда делегация самимий кутиб олинганлиги учун астойдил миннатдорчилик билдирди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

УКРАИНА ССР ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

КИЕВ, 26 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Украина ССР партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорига мувофиқ чақирилган бу йиғилишда республика меҳнаткашлари 1973 йилги халқ хўжалик планини ва социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилиш қатнашчилари орасида Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, Украина Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, Украина Компартияси Ревизия Комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, бир қанча йирик корхоналар, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг секретарлари, область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари, республика министрликлари, идоралари ва ташкилотларининг раҳбарлари, область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, касаба союзлари область Советларининг раислари, область ва район қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари, баъзи саноат корхоналарининг директорлари, бир қанча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг илғорлари, илмий муассасалар, ижодий союзлар, матбуот, телевидение ва радио ходимлари бор эди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ В. В. Шчербицкий очди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок этди. КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ўртоқ З. Н. Нуриев ва СССР тайёрлаш министри Ўртоқ Г. С. Золотухин ҳам бор эди.

Ўртоқ В. В. Шчербицкий доклад қилди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Ўртоқ Л. И. Брежнев йиғилиш қатнашчилари ҳузурида катта ва ёрқин нутқ сўзлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССРда коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида мамлакат коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг энг муҳим вазифалари, шунингдек КПСС ва Совет давлати халқаро сиёсатининг актуал масалалари устида тўхталиб ўтди.

Музокараларда Днепропетровск область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ А. Ф. Ватченко, Кировоград области, Новоукраинск районидаги «КПСС XX съезди» колхози трактор бригадасининг бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ А. В. Гиталов, Одесса область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ П. П. Козирь, Запорожьедаги С. Оржоникидзе номли «Запорожсталь» металлургия заводининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Л. Д. Юпко, Харьков область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ И. З. Соколов, Киев область Мироновка районидаги Жданов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ А. Г. Бузницкий, Херсон область, Каховка шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ В. А. Махлай сўзга чиқдилар.

Актив йиғилиши қатнашчилари муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилдилар.

ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МАНФААТЛАР БИРЛИГИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Миср Араб Республикасининг Президенти, Араб Социалистик иттифоқининг раиси Муҳаммад Анвар Садатга телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммада 1952 йил 23 июль Миср революциясининг 21 йиллигини муносабати билан уни самимий табрикладилар.

Миср халқининг улуғ фарзанди Жамол Абдил Носир раҳбарлигида ўтказилган 23 июль революцияси, дейилади телеграммада, Мисрнинг тарихида ва араб мамлакатлари миллий-озоллик ҳаракати тарихида бурилиш ясаган воқеа бўлди. Бу революция Мисрнинг антиимпериалистик кураш ва социал тараққиёт йўлидан, мамлакат аҳолиси кенг табақаларининг манфаатларини кўзлаган чуқур ислоҳотлар йўлидан мустақил ривожланишига асос қўйди.

Телеграммада Миср Араб Республикаси халқи ва ҳукуматининг янги ҳаёт барпо этиш учун, Исроилнинг 1967 йилдаги империалистик агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган курашда бундан буён ҳам муваффақият қозонишларига тилак билдиради. Совет Иттифоқи, бу курашда аввалгидек бундан буён ҳам дўст Мисрнинг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлайверади.

Муҳаммад Анвар Садат КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигинга юборган жавоб телеграммасида табрик учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Телеграммада бундай дейилади: империализм фитналарига қарши курашаётган Миср халқи ҳозирги вақтда босиб олинган ўз ерларини қайтариб олиш ва арабларнинг поймол этилган ҳуқуқларини тиклашга қатъий қарор бергандир. Миср халқи бунда ўз кураши адолатга асосланган тинчликка интилувчи барча кучлар ва халқларнинг кураши эканлигига астойдил ишонади.

Миср халқи ва ҳукумати номидан, Араб Социалистик иттифоқи номидан, шахсан ўз номимдан сизларга, КПСС Марказий Комитетининг аъзоларига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига самимий ташаккуримизни изҳор этиш ва бизга нисбатан, араб ерларини озод қилиш учун ва ғалабага эришиш учун олиб бораётган ҳаққоний курашимизга нисбатан яна бир марта изҳор қилинган ёрдам ва бирдамлик туйғуларингизга юксак баҳо бериш билан мамнуниман.

Сув ғўзанинг қони-жонидир. Саратонда экинлар сувга қондириб суғорилса, вақтида культивация қилинса ҳар бир инҳол мўлжалдагидан кўпроқ бўлиқ кўсаклар тугади. Бунга амал қилаётган Бухоро область Қоровул районидаги «Мосиева» колхозининг 50 центнерчи Даврон Ҳамроев ва Хўжанафас Норбоевлар бошлиқ бригада сувчилари сифатли культивацияни қилиниб, яхши озиқлантирилган ғўза қатор ораларини агротехника талаблари асосида қондириб суғоришмоқда. Ҳозирги вақтда бригадада экинлар тўртинчи комплекс ишловдан ва учинчи суғоришдан чиқарилди. Суратда: колхознинг тажрибали сувчиси комсомол аъзоси Норҳол Бозорова ғўза қатор ораларига оби ҳаёт тараётган пайт.

Б. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ).

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

СУВ — ҒЎЗАНИНГ ҚОН-ЖОНИ

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили пахта ҳосили учун курашнинг энг масъулиятли даври давом этмоқда. Ҳозир ғўза ниҳолларининг мева шохларида умумий ҳосилнинг 30-40 процента тўпланганлиги деҳқонлар тажрибасидан маълум. Асосий ҳосил эса август ойида тўпланади.

Ҳар бир ғўза тупида энг кўп кўсак тўплаш ва уни тўкилиб кетишига йўл қўймаслик — шу куннинг энг муҳим вазифасидир. Бу эса ниҳолларнинг қай даражада парвариш қилинишига боғлиқ. 23 июлга қадар бўлган маълумотга кўра республика пахта далалари 5,7 марта культивация қилинган. 3,2 марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилган, 2,5 марта суғорилган ва 2,7 марта қатор оралари юмшатилган. Андижон, Наманган ва Тошкент областларининг пахтакорлари дала ишларини намунали ташкил этишган.

Бу йил республикада ўтган йилгига нисбатан кўпроқ ҳажмда дала ишлари бажарилган. Айни пайтда обҳаво шароитлари ҳам ўтган йилгидан кескин фарқ қилмоқда. Ёз ойлари қуруқ ва иссиқ келди. Июнь ойида ҳавонинг иссиқлик тўпланиш даражаси ўтган йилгига нисбатан анча юқори бўлди, июль ойининг ўтган икки ўн кунлигида эса, ўтган йилга нисбатан 40-50 градус кўп ҳарорат тўпланди.

Сўнгги кунларда республикада ҳарорат 40 даражага қадар, жанубда эса бундан ҳам юқорироқ бўлмоқда. Бу эса ғўза ниҳоллари парваришида бир қатор агротехник тадбирларни, асосан вегетация давридаги суғоришни тўғри ташкил этишни тақозо этади.

Лекин ҳамма жойда ҳам бу ҳисобга олинаётгани йўқ. Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона областларида ғўзани суғориш секинлик билан бормоқда. Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда эса шу кунгача ғўза ниҳоллари бор йўғи 1,3-1,4 марта суғорилди, холос.

Сув таъминоти етарли бўлгани ҳолда Қашқадарё областида июль ойининг ўтган икки ўн кунлигида ғўза ниҳолларини суғориш 64 процент, Самарқанд областида 78 процент, Фарғона областида 85 процент бажарилди. Бу ҳолат ўсимликнинг ривожланишини тўхтатиб қўйиши, пастки ва ўртанги ҳосил шохларидан шоналарни ёппасига тўкилишига олиб келиши мумкин.

Уз пайтида суғориш қанчалик муҳим бўлса, айни пайтда, оби-тобида ва қатор ораларини сифатли ишлов бериш билан бирга тупроқда нам сақлаш ҳам шунчалик катта аҳамият касб этади. Лекин шунга қарамай Иштихон, Жонбой, Косон, Гагарин, Фрунзе, Пахтакор, Гулистон ва бошқа районларда сувдан кейин сифатсиз культивация қилиш фактлари учрайди. Бу районларнинг айрим хўжалик ва бригадаларида культивацияни юзаки ўтказиш ва бу билан қатор ораларини юмшатиш ўрнига намни кўпроқ парлатиб юборишга йўл қўйилмоқда. Об-ҳавонинг одатдагидан иссиқ келиши суғоришга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Ғўзани ёз пайтида ва маромида суғориш — пахтакорнинг бугунги шиори бўлиши даркор.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари ва уларнинг жойлардаги органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари суғоришни ўз пайтида ва юқори сифатли ўтказишни таъминлаш учун ҳамма куч ва имкониятларни ишга солиб, қўшимча тадбирлар белгилашлари лозим. Ҳаво иссиқ бўлган ҳозирги пайтда суғориш оралиғидаги муддатларни қисқартириш, суғоришни янада интенсив ташкил этиш, бунинг учун эса сувчилар сонини ошириш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Айниқса тунги суғориш алоҳида назорат остига олиниши керак.

Сувчи — пахта даласининг бош қаҳрамони, сувчилар ишда юксак унумга эришмоғи аввало у яхши ҳордиқ чиқариши ва маданий-маиший шароитларга эга бўлмоғи зарур.

Суғоришни группа методларида, кенг эгатлар бўйлаб катта масштабда ташкил этишга эришайлик. Бутун картанинг бир пайтда ва текис сув ичишини тупроқнинг бир пайтда етилишини, шу майдонда культивацияннинг сифатли ўтказилишини таъминлайди.

ВЦСПС ПЛЕНУМИ

Москвадаги меҳнат саройида ВЦСПСнинг тўртинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, министрликлар, марказий ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашди.

Пленум КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Бу масала юзасидан нефть, химия ва газ саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси Н. П. Светцов ва Кемерово область касаба союзлари советининг раиси В. И. Ситников доклад қилди. ВЦСПС секретари И. М. Владиченко қўшимча доклад қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. Н. Шелепин нутқ сўзлади. У айтдики, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида тўққизинчи беш йиллликнинг биринчи ярмини муваффақиятли тугаллади ва беш йиллликнинг иккинчи ярмига комил ишонч билан қадам қўйди. Совет кишилари партия ишлаб чиққан планларни амалга ошира борib, коммунистик қурилишнинг барча асосий йўналишларида катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўртоқ А. Н. Шелепин ташқи сиёсат соҳасида жуда катта ижобий ўзгариш ва силжишлар содир бўлганлиги ҳақида гапирди. Жаҳоннинг урушдан кейинги тарихида ўз кўлами ва миқёслари жиҳатидан ҳамда жаҳоншумул тарихий аҳамияти жиҳатидан бу ўзгариш ва силжишларга тенг келадиган воқеа бўлган эмас. КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш йўлидаги собит қадам, самарали фаолияти халқаро муносабатларда тубдан бурилиш ясади.

ВЦСПС пленуми муҳокама этилган масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди.

(ТАСС).

Олмалиқ химия заводи қурилишининг иккинчи навбати жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Қурилишдаги асосий ишлар тугалланмоқда. Ускуналарни монтажлаш бошлаб юборилди. Қурувчилар ана шу объектдаги ишларни ноябрь ойигача тугаллаш мажбуриятини олдилар. Суратда: Олмалиқ химия заводи иккинчи навбат қурилишининг умумий кўриниши.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ).



ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ИШОНЧ ВА ТАЛАБЧАНЛИК

Партия йиғилиши давом этарди. Музокара қизғин ўтмоқда эди. Сўзга чиққан ҳар бир коммунист оғир, босиқ овоз билан, ҳар бир сўзни ўйлаб, узоқ мулоҳаза қилиб гапирарди. Ҳамманинг нигоҳи бир чеккада бошини эгиб ўтирган. С. Логвиновга қаратилган эди. У ўзининг камчиликларини тан олди, ишни барбод берганига иқрор бўлди. Музокарада сўзга чиққан коммунистлар энди С. Логвинов қурилиш трестига бошчилик қилолмайди, у манмансираб кетди, коллектив билан ҳисоблашмай қўйди, — деб рўйрост гапирдилар.

С. Логвинов Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли 13-қурилиш трестига раҳбар қилиб тайинланганида, ҳамма ҳам бу мутахассис ишни эплаб кетади, трестни қолоқликдан чиқаришга кўмаклашади деб ўйлаган эди.

Коммунистлар унга ҳар томонлама ёрдам беришди, иш ўргатишди, ҳар бир ишда қўллаб-қувватлашди. Аммо, трест қолоқликдан чиққани, планлар мунтазам бажарилаётгани сари С. Логвиновнинг ҳам ғурурланиши орта борди. Бу ғурур оқибат натижада манмансирашга, ҳеч ким билан ҳисоблашмасликка тўғри насиҳатни ҳам нотўғри деб тушунишга олиб келди. Унинг ҳайбаракаллачилари ҳам топила қолди. Ичкиликка ўргатишди. Кун ора улфатлари билан ичкиликбозлик қиладиган бўлди. Ҳатто иш вақтида ҳам маст-аласт юрадиган бўлиб қолди. Натижада трестда интизом бўшашди. Қўнимсизлик пайдо бўлди. План, топшириқлар яна бажарилмайдиган бўлиб қолди. Қилинмаган ишларни ҳам бажарилди деб кўзбўямачиликка қўл урилди. Бундан кўплаб қурилиш ташкилотлари зарар кўрди. С. Логвинов мисқоллаб тўпланган обрў—эътиборидан бир йўла ажралди. Партия йиғилиши уни трест бошлиғи вазифасидан озод этишни илтимос қилди.

Область партия комитети коммунистларнинг талабини қондириб С. Логвинов ва унинг улфатларини ишдан четлашдирди. Ҳозир 13-қурилиш трестига қобилиятли ташкилотчи ва мутахассис ходим раҳбарлик қилмоқда.

Раҳбар кадрларга нисбатан ишонч ва талабчанлик, кадрлар интизоми ва масъулиятини ошириш энг муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги КПСС XXIV съезди қарорларида алоҳида қайд қилинди. **«Ҳозир бизда кадрлар билан ишлашда шундай практика қарор топдики, бунда одамларга ишонч ва ҳурмат уларга нисбатан принципиал талабчанлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчанлик, ўртоқлик вазиятини вужудга келтириб, ходимларга ўз қобилиятларини тўлароқ намоён қилиш имконини бермоқда»,** — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида.

Область партия ташкилоти ўз ишини ана шу юксак талаб даражасида ташкил этмоқда. С. Логвиновнинг хатти-ҳаракати ва натижада 13-қурилиш трестида содир бўлган воқеалар биз учун катта сабоқ бўлди. Область партия ташкилоти кадрларга нисбатан талабчанликни муттасил оширмоқда. Биз эндиликда юксак сиёсий онглилик билан яхши профессионал тайёргарликни мужассамлаштирган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга кобилиятли, бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаган кишиларни танламоқдамиз. Чунки, ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда жадал ва чуқур ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда кадрлардаги бу фазилат айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз бир неча йил аввал областдаги қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланарди... Колхозга партия ходимларидан Курбон Ҳақбердиев правление раислигига, Тошкент Ҳайдаров эса партия комитетининг секретарлигига тавсия қилинди. Ҳар иккала сергайрат, талабчан, тажрибали мутахассисларни колхоз аъзолари илиқ кутиб олишди. Ҳақиқатан ҳам, улар тез орада ўзларига билдирилган бу юксак ишончни оқладилар. Колхоз қисқа вақт ичида ўзини ўнглаб олди. Хўжаликнинг барча тармоқлари рентабелли бўлди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 16 центнердан 35 центнерга кўтарилди. Ҳар гал шу хўжаликда бўлганимда Курбон Ҳақбердиевнинг колхозчилар билан қилаётган муомаласини, турли маслаларни ҳал этиш пайтидаги хушмуомалалигини, ишбилармонлигини кўриб қувонаман. Колхоз правленияси ва партия ташкилоти одамларнинг талаб ва истакларига вақтида қулоқ солиб, амалга ошириб, бу мулоҳаза ва истаклардан хўжаликни янада ривожлантириш йўлида кенг фойдаланмоқдалар.

Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозининг директори Очил Тошев, шу райондаги Карл Маркс номли колхоз раиси Панжи Қурбонов, «Қаршистрой» бошқармасига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Тоҳир Эргашевлар ҳам ташкилотчилик қобилиятлари, кишиларнинг эҳтиёжларига ниҳоятда диққат-эътибор билан қараётганликлари сабабли катта обрў-эътиборга сазовор бўлмоқдалар.

Қарши район партия комитети «Ленинизм» колхозининг агрономи Сувон Баратовни бундан икки йил аввал янги ташкил этилган «Пахтаобод» колхозига раисликка тавсия қилган эди. Ёш мутахассис келгач, хўжаликдаги барча ишлар изга тушиб кетди. Яқинда Сувон Баратов Қарши даштида ташкил топган Чўли Бегимқулов номли совхозга директор қилиб тайинланди. Чўлқуварлар биринчи йилдаёқ 1200 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Янги директор ишга тайинланган биринчи кунданоқ чўлга кўчиб келаётган кишиларга яхши яшаш, маданий ҳордиқ чиқариш, унумли меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиш билан шуғулланди. Кишиларни уй-жой билан таъминлаш ташвиши, келгусида янги ерлар ўзлаштириб деҳқончиликни янада ривожлантириш ўйлари билан яшамоқда.

Меҳнатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, ўқишда ҳам, турмушда ҳам-ҳамма вақт ва ҳамма жойда коммунист коммунистлигича қолиши, бизнинг ленинча партиямизнинг аъзоси деган юксак номга муносиб бўлиши зарур. Партиямизнинг ҳар бир коммунистга нисбатан талаби ана шундай. Ҳозирги кунда ҳар бир коммунистнинг қаерда, қайси касб ва мансабда ишлаётгандан қатъий назар ўзининг юксак гражданлик бурчини оқлаши, меҳнатсеварлиги, омманинг манфаатлари учун кураши, коммунистик жамият қурилишига муносиб ҳисса қўши шиши талаб этилади.

Қарши шаҳар ва район партия комитетлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари билан намунали шуғулланмоқда. Партия ходимлари, совет ва хўжалик активлари бошланғич партия ташкилотларида, цех ва бригадаларда, бўлим ва фермаларда меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказмоқдалар, савол-жавоб кечалари бўляпти. Кейинги йилларда Қарши шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, партия комитетларининг аъзолари хўжаликларда, қурилиш ва саноат корхоналарида бўлиб ҳисоб беряптилар. Жойларда коммунистлар партия комитетлари ишига баҳо бермоқдалар.

Раҳбар коммунист юксак маданий-маънавий қиёфага юксак партиявий интизомга эга бўлиши даркор. Унинг учун битта партиявий дид, интизом, талабчанлик бўлиши шарт. Партия интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш, партия ташкилотларининг кундалик вазифаларидан бири бўлиб қолянти. Район партия комитетлари бюроларида партия ташкилотлари секретларининг кадрлар билан ишлаш, уларни ўстириш ва тарбиялаш, сўз билан иш бирлигини таъминлаш, коммунист раҳбарларнинг ташкилотчилигини кучайтириш юзасидан ҳисоботлари мунтазам тинглаб борилмоқда. Интизомни бузадиган, танқиддан тўғри хулосалар чиқариб олмаётган, иш ўрнида, жамоатчилик ўртасида ва оиласида ўзини нотўғри тутаётган кишиларга нисбатан қаттиқ жазо бериляпти.

Мана, мисол: Чироқчи районидаги «Москва» колхозининг раиси Н. Жабборов ва Китоб районидаги Улуғбек номли колхоз раиси Т. Ҳамдамовлар коммунистга хос бўлмаган ҳаттиҳаракатлар қилдилар, ўзларининг лаёқатсиз раҳбар эканликларини кўрсатдилар, колхозчиларнинг ишончини буткул оқлама йўйдилар. Натижада ҳар иккала раис ҳам район партия комитети бюроси томонидан ишдан четлатилди. Уларнинг ўрнига хўжалик аъзоларининг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўладиган ишбилармон, тажрибали мутахассислар тайинланди.

Область партия ташкилоти кадрлар танлаш соҳасида кекса кадрларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимидан тўла фойдаланиш билан бир қаторда ёш, истиқболли ходимларни пастдан юқорига кўтаришга ҳам эътиборни кучайтирмоқда. Бу эса қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим роль ўйнаяпти. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда бундай практика партия ташкилотлари, барча коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили учун катта мажбуриятлар қабул қилганлар. Бу йил давлатга 400 минг тонна пахта, 281 минг тонна дон ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади. План ва мажбуриятларнинг шараф билан бажарилиши учун олиб борилаётган курашда коммунистлар иш бошлиқ қилмоқдалар. Партия ташкилотлари омманинг сиёсий активлигини оширмоқдалар, уларни улкан вазифаларни амалга оширишга сафарбар этмоқдалар. Бу курашда кадрларнинг интизоми ва масъулиятн ошиб бораяпти. Кишиларга нисбатан ишонч ва талабчанлик кучайтирилмоқда.

И. ГОЛОВАЧЕВ,
Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ТАРБИЯ МАКТАБИ

Янги кишини тарбиялаш ва камол топтириш коммунистик қурилишдаги энг асосий вазифаларимиздан биридир. Идеология ишининг ҳамма формалари ана шу муҳим вазифани бажаришга қаратилган. Инсоннинг ўзини ҳар томонлама камолотга етказмай туриб коммунизм қуришдек буюк ишни олга силжитиш мумкин эмас. «Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолотга етказмай туриб, коммунизм қуриш ҳам мумкин эмас», деб айтган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида.

Кишиларни меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, уларда янги аҳлоқий-сиёсий қўникмаларни ҳосил қилиш, меҳнаткашларнинг моддий-маиший эҳтиёжларини қондиришда касаба союзларининг роли катта бўлмоқда. Тарбиявий иш, шахсга таъсир кўрсатадиган, моддий ва маънавий ҳаётимиздан келиб чиқадиган кўп қирралі ишдир. Шахсни тарбиялашда меҳнат коллективининг роли катта. Республикамизда шу соҳада анчагина ибратли ишларни қилаётган меҳнат коллективлари жуда кўп. Андижон областидаги Москва пахта тозалаш заводида голиб тарбиявий ишлар масаласи тез-тез касаба союзлари завод комитети мажлисларида, ишчиларнинг йиғилишида муҳокама қилиб турилади, ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш юзасидан таъсирчан тадбирлар белгиланади. Корхонада бир неча йилдан бери меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш каби воқеа содир бўлгани йўқ. Коллектив мунтазам республика пахта тозалаш корхоналари ўртасида социалистик мусобақа голиби бўлмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати, электрон техникаси заводи, шунингдек Оққўрғон, Балиқчи районлари, Фарғона ва Наманган областларидаги бир қатор касаба союз ташкилотлари ҳам янги кишини тарбиялаш ва камол топтириш йўлида анчагина ибратли ишларни қилмоқда.

Меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини юксалтиришда коммунистик меҳнат мактабларининг роли гоят каттадир. Республикамиз ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларида 5400 дан ортиқ ана шундай мактаблар ишлаб турибди. Партия ташкилотлари ёрдами билан улар тажрибали пропагандистлар билан таъминланган, ўқув планлари ва программалари такомиллаштирилди, методика иши яхшиланди.

Тошкентдаги электрон техника заводида 16 та коммунистик меҳнат мактабларида машғулотлар олиб бориляпти. Уларга ишчи ва хизматчилардан 470 киши жалб қилинган. Мактаб машғулотлари корхона ва цех ишлаб чиқаришига доир фактлар асосида ўтказилади. Тингловчилар заводда меҳнат унумдорлигини ошириш йўл-йўриқларини муҳокама қиладилар, машина ва ускуналарнинг бўш туриб қолиш ҳамда нобудгарчилик сабабларини таҳлил қиладилар, илғорлар тажрибасини ўрганадилар.

Заводдаги коммунистик меҳнат мактаблари тингловчилари йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажариш ва ёндош касб-ҳунар ўрганиш мажбуриятини олишган.

Сирдарё областининг Ильич районидаги «Правда» совхози механизаторлари ва пахтакорлари ҳар ойда икки марта коммунистик меҳнат мактаби машғулотига тўпланадилар. Совхоз икки йил аввал райондаги энг қолоқ хўжаликлардан бири саналарди. Мактаб янги ютуқлар пропагандисти, лабораторияси бўлди. Тингловчилар ўз ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб ишлайдиган бўлишди. Коммунистик меҳнат мактаби хўжаликни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Республика касаба союз ташкилотлари ёш авлодни тарбиялашнинг хилма-хил усулларидан кенг фойдаланмоқдалар. Ёш ишчиларни тарбиялаш, уларни оталиққа олиш, касб-ҳунар ўргатиш кенг ёйилмоқда. СССР Олий Советининг депутати, Тошкент самолётсозлик заводининг фрезерчиси Альбина Девлтованнинг шу юзадан бошлаган ташаббуси ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларида тажрибали ишчиларнинг қалбидан жой олди. Навоий ва Чирчиқ химия комбинатлари, «Ташкенткабель» ва электрон техникаси заводлари, «Қизил тонг» фирмаси, Фарғона тўқимачилик комбинати ва бошқа бир қатор завод ва фабрикаларда ёш ишчиларни оталиққа олиш уларни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолди.

Меҳнаткашларнинг бўш вақтларидан таълим-тарбия ишини янада яхшилаш учун фойдаланиш касаба союзлари маданий-оқартув муассасаларининг муҳим вазифасидир. Республикамизда маданий-оқартув муассаса тармоқлари тобора кенгайиб бораяпти. Клублар, маданият уйлари ва саройлари меҳнаткашлар оммасининг яхши ҳордиқ чиқарадиган, тажриба алмашадиган, иқтисодий билим оладиган марказларига айланмоқда.

Чирчиқдаги химиклар маданият саройи ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг иккинчи уйи бўлиб қолди. Бу ерда кўп сонли тўгараклар, маданият университетлари, музикали лекторийлар иш олиб бормоқда. Тез-тез лекциялар ўқилади, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари ўз санъатларини намойиш қиладилар. Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида китобхонлар конференциялари, адабий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилибди. Бу ерда 37 та кўчма кутубхона ташкил қилинган. Бухородаги зардўзлик фабрикасининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, қизил бурчаги иши ҳам намунали ташкил қилинган.

Бироқ, Тошкентдаги асбобсозлик, абразив буюмлари ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари, Қўқондаги пахта тозалаш заводи қошидаги клублар кўпгина қишлоқ қизил бурчаклари, кутубхоналар фаолияти ҳақида шундай яхши гапларни айтиш мумкин эмас. Бу клубларнинг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қорақалпоғистон АССРдаги клубларда халқ университетлари ташкил қилинмаган. Олтиариқ районидаги Қизилтепа посёлкасида кинотеатрлар ёпиб қўйилибди. «Қурувчи» клубининг мудири Н. Манаенко ҳоҳлаган пайтида ишга келиб, ҳоҳламаган пайтида эса 2-3 кунлаб кўринмай юраверади. Баъзи клубларда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган, репертуарлар мазмунли қилиб тузилмаяпти. Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё областларида, геология-разведкаси ишлари корхоналарида, ўрмончилик, қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналарида тўгараклар жалб қилинган ишчилар сони жуда оз.

Касаба союз комитетлари ва советлари клублар ва кутубхоналарда ишлайдиган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилашлари лозим.

Маданий-оқартув муассасалари янги кишини тарбиялаш ва камол топтиришнинг асосий ўчоғи бўлиб қолмоғи зарур. Ҳар бир касаба союз ташкилоти кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтариш, уларни маънавий камолотга етказиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Н. МАҲМУДОВА.
Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг секретари.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Яқинда Андижон область партия комитети ташаббуси билан илмий-атеистик пропаганда ва янги урф-одатларни меҳнаткашлар турмушига татбиқ этиш бўйича Пахтаобод районида семинар кенгаш бўлиб ўтди. Семинарга район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раис муовинлари, билим жамияти район ташкилотларининг раислари қатнашдилар.

Илмий-атеистик пропаганда ва янгича урф-одатларни меҳнаткашлар турмушига татбиқ этиш масаласи юзасидан область ижроия комитети раис муовини Т. Каримова доклад қилди. Сўнг семинар қатнашчилари Пахтакор қишлоқ Советидаги Бахт уйида никоҳ гувоҳномасини топшириш, Энгельс номли колхоз марказий шийпонида ўқувчиларни колхозга қабул қилиш, «Правда» колхозида янгича тўй маросимларида қатнашдилар. Бундан ташқари, «Гулистон» колхозида оммавий-сиёсий ишлар кабинети фаолияти, «Коммуна» колхозидаги турмуш маданияти университети ишлари билан танишдилар.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

КИЧКИНТОЙЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

ЭРКАТОЙЛАР «ГУЛШАНИ»

Тўда қишлоқ Советидаги марказий боғча райондаги намунали мактабгача тарбия муассасаларидан ҳисобланади. Уни ҳақли равишда кичкинтойлар «Гулшан»и деб аташади.

Ана, ўртанча группа болалари жисмоний тарбия билан шуғулланишяпти. Давранинг ҳали у, ҳали бу томонига қараб учаётган енгил-юмшоқ копток ҳаракатини тарбияланувчилар завқ-шавқ билан назорат қилмоқдалар.

Тўп даврадан чиқса, уни бирнеча бола «қувади» ва тупни тутишга муяссар бўлган жажжининг шодлиги ичига сиғмайди...

Кичик группа қўшни мактабга чиқиб кетган. Ўқувчиларнинг қуён фермачаси ҳамиша «Гулшан» тарбияланувчилари ихтиёрида. Бу ерда болалар ҳайвонот олами тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтирадилар, қуёнларни парваришлашга ўрганадилар.

Катта группа — гулзорда. Болаларнинг қўлларида кетмонча, теша каби меҳнат қуроллари. Мураббия кичкинтойлардан бири билан гаплашмоқда:

— Бу гулнинг номи нима?

— Райҳон.

— Бунисининг?

— Жамбул.

— Мана бу ҳам гулми?

— Йўқ, у шўра.

Бола тарбиячининг сўзи билан бегона ўтни юлиб ташлади. Мураббия эса тарбияланувчиларнинг ишини диққат билан кузатиб, зарур ҳолларда маслаҳат беради, меҳнатга рағбатлантиради. Булар мактабгача тарбия муассасалари учун мўлжалланган янги программа машғулотларидан баъзилари. Албатта, бундай вазифалар қишлоқ болаларига унча қийин эмас. Лекин мураббиялар иш планининг ҳар бир моддаси ана шундай қунт билан бажарилишига эришмоқдалар. Шу тариқа тарбияланувчиларда меҳнат кўникмалари ҳосил қилинади, нутқи ўстирилади.

— Бу коллектив тарбия ишларида шаҳар боғчаларидан сира қолишмасликка, намунали иш тутишга интилиб келади, — дейди Риштон район халқ маорифи бўлимининг методисти, Мўътабархон Назарова. — Шунинг учун ҳам ота-оналар, тажриба ўрганмоқчи бўлган ҳамкасблари, тарбия ишлари аҳволи билан танишгани келган кишилар «Гулшан»дан ҳамиша мамнун бўлиб қайтишади.

Чиндан ҳам ҳар бирига 30 нафардан бола қатнаётган учта группа тарбиячилари С. Имомова, Ҳ. Маллабоева, С. Рўзиматовалар олиб бораётган тарбия ишларининг савияси, дўмбоқлар учун яратилган шароит ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Муассасага кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Робихон Абдуллаевадан ҳамкишлоқлари ҳурсанд. Коммунист, қишлоқ Советининг депутати Р. Абдуллаеванинг ташвишлари талайгина. У «Риштон» совхози маъмурияти олдига «Дўтир» бўлимининг қўшни Қирғиз маҳалла қишлоғида «Гулшан»нинг 50 ўринли филиалини очиш масаласини қўймоқчи.

— Бу, аввало, ёлғиз менинг фикрим эмас, — саволга жавоб берди мудира. — Балки боғчамиз ота-оналар комитети ва қишлоқ аҳлининг талаби. Янги филиалда ишлаш иштиёқини билдираётган махсус маълумотли кадрлар етарли. «Гулшан»нинг моддий базаси эса бу планни унча қийналмай амалга ошириш имконини беради. Хуллас, ҳаммаси ҳаракатимизга боғлиқ.

«Дўтир» бўлимининг далаларида иш қизғин. Ишчилар мўлкўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, тўққизинчи беш йиллиқнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ғайрат қилишаётган экан, бунда «Гулшан» ходимларининг ҳам сезиларли ҳиссаси бор. Чунки фарзандлари меҳрибон, билимли кишилар қўлида кўнгилдагидек тарбияланаётганига қаноат ҳосил қилган ота-оналар янада унумлироқ меҳнат қилишади. Фарзанд меҳри кишини қандай ишларга рағбатлантирмайди, дейсиз.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

У. РОЖИДДИНОВ,
«Коммуна» газетаси ходими.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ХОНАДОНЛАРДА ИЛЬИЧ НУРИ

«Совет Ўзбекистони» текшириш ва чора кўриш учун юборган хатга Тўрткўл район ижроия комитетидан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

Хатда қайд қилинган фактлар текширишда тўғри бўлиб чиқди. Ҳозир «Ленин йўли» колхозининг 12-бригадаси территориясидаги хонадонлар тўла электрлаштириб бўлинди.

КЎЧАЛАР АСФАЛЬТЛАНАДИ

«Партия XXII съезди» колхозидаги Галча, Чакар ва Бойгудар қишлоқларига қарашли йўллар қишда лой, ёзда чанг. Бу йўлларни асфальт қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаётир...» Редакция шу мазмундаги хабарни текшириш учун Ғузор район ижроия комитетига юборган эди. У ердан маълум қилинишича, хатда келтирилган фактлар тасдиқланган.

Ҳозирги кунда юқорида номлари тилга олинган қишлоқлардаги 16 километрли йўлни асфальтлаш колхоз планига киритилган. Лойиҳа-смета ҳужжатлари расмийлаштирилгач, йўл қурилиши бошлаб юборилади.

ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛМОҚДА

Самарқандлик бир группа комсомоллар редакцияга юборган хатларида Самарқанд районидаги «Комсомол» совхози раҳбарларининг клуб, болалар боғчалари ишига панжа орасидан қараётганликлари ҳақида сигнал беришган эди.

Самарқанд район ижроия комитети ушбу хат юзасидан текшириш ўтказиб, унда келтирилган фактлар тасдиқланганлигини редакцияга хабар қилади. Ҳозирги пайтда совхоз дирекцияси биноси болалар боғчаси ихтиёрига берилган. Клуб биноси қурилиши эса 1974 йил планига киритилган. Бундан ташқари, қишлоқ йўлига шагал ётқизилган, ҳадемай бу йўл асфальтланади.

Шунингдек, район ижроия комитети район нон комбинати дирекцияси зиммасига қишлоқ территориясида новвойхона очиш вазифасини ҳам юклаган.

ДЎСТЛАР ИБРАТИ

Ўзбекистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси коллективи Тожикистон деҳқонлари ҳузуридан қайтганидан буён саноқли кунлар ўтди, холос. Қардош Тожикистон республикасининг қишлоқ меҳнаткашлари ҳаёти билан танишар эканмиз, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ва айниқса, қишлоқ хўжалигида ажойиб муваффақиятларга эришаётган тожик халқининг жўшқин ҳаёти, меҳнат ҳосорати, порлоқ бугуни ва эртасини ҳис этдик.

Тожик ва ўзбек халқи Советлар мамлакатининг ягона оиласида тўққизинчи беш йилликнинг улкан марралари йўлида дадил қадам ташламоқдалар. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, ўқув юртлари ва илмий тадқиқот марказларининг коллективлари беш йиллик меҳнат вахтасида туриб, зиммаларига юксак мажбуриятлар олган ҳолда ишламоқдалар.

Ленинча миллий сиёсат ғоялари билан суғорилган, тарих синовларидан ўтган, меҳнат ва жасоратда тобланган тожик ва ўзбек халқларининг ўзаро дўстлик алоқалари кун сайин ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бу улуғ дўстлик алоқалари меҳнат ҳамкорлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, икки республика меҳнат аҳли саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бир қатор етакчи соҳаларида бир-бирларига устоз ва шогирд ҳамда мададкор бўлиб келишмоқда. Бу қудратли ҳамкорликнинг натижалари ғоят қувончлидир. Катта Фарғона канали, «Халқлар дўстлиги» номидаги Қайроққум ГЭСи, икки қардош республика қурувчиларининг ҳамкорликдаги фидокорона меҳнатига ҳайкал бўлди. Қурилаётган Норак электр гиганти жўшқин Амударё сувини Қарши даштлари учун юксак баландликка кўтариб берса, Бухорода қурила бошлаган улкан газопровод магистрали Тожикистон пойтахти Душанбани зангори олов билан таъминлайди. Тожикистон республикасининг пахта далалари ғўзанинг «Тошкент» навлари кўпроқ экиладиган тажриба майдони бўлиб қолди.

Икки қардош республика меҳнаткашларининг буюк мақсади она-Ватанга имкон борича мўл-кўл пахта, пилла, қоракўл тери, жун, тамаки ва бошқа кўплаб маҳсулотлар етказиб бериб коммунизм ишига янада салмоқлироқ ҳисса қўшишдир. Бу муқаддас бурчни ҳар икки республика меҳнаткашлари ҳам шараф билан бажармоқдалар, дейишга барча асосларимиз бор.

Биз, ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари, Тожикистон республикасининг 17 райони ва 138 хўжалигида бўлиб, бой таассуротлар билан қайтдик. Тожик меҳнаткашларининг пахтачилик ва чорвачиликда, галлачилик ва боғдорчиликда улкан муваффақиятларга эришаётганликларини дўстона ифтихор туйғулари билан таъкидлаймиз. Биз қардош республика далаларида юксак деҳқончилик маданиятининг гўзоҳи бўлдик, пахта ва бедани алмашлаб экишни кенг жорий этаётган пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фан ва техника ютуқлари ҳамда прогрессив усуллардан кенг фойдаланаётган ажойиб замондошларга дуч келдик. Бизга, айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоқларини ихтисослаштириш, чорвачилик комплексларини қуриш ва кенгайтириш ҳамда жамоат чорваси учун мустаҳкам озуқа базаси яратишни пухта йўлга қўйган мусобақадошларимизнинг ажойиб ишлари беҳад манзур бўлди.

Биз тожик пахтакорларининг деҳқончиликдаги маҳоратига ва ажойиб ютуқларига доимо қувониб разм соламиз. Тожикистон республикаси мамлакатимизда пахтакор республикалар ичида биринчи бўлиб тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йили учун белгиланган маррага эришганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Шу туфайли ҳам ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини республика пахтакорларининг бу йилги марралари қизиқтириши табиий эди. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида она-Ватанга 750 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга бел боғлаган тожик пахтакорлари далаларда юксак ҳосилга яраша меҳнат қилмоқдалар. Республика пахтакор хўжаликларининг бугунги аҳволи ҳақида фикр юритганда шуни таъкидлаш лозимки, ғўза ниҳолларининг ҳозирги аввал ва равожи бизда зўр қониқиш туғдирди. Республиканинг деярли асосий пахта майдонларида кўчат бут, ғўза парвариши юксак агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда. Ғўза равожи ўтган 1972 йилга таққослаганда ҳам бирмунча олдинда бормоқда. Пахтакорлар июль ва август ойлари ғўза парваришида энг мураккаб ва ҳал қилувчи давр эканлигини тўғри тушуниб, ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар. Биз айниқса Регар районидаги Калинин номли, Восе районидаги Ленин номли, Колхозобод районидаги «Москва» колхозларида, Куйбишев номли совхозда мўл ҳосилга пухта замин яратилаётганини кўрдик ва қувондик.

Қардош Тожикистон республикасини ажойиб пахта усталарининг ватани дейиш мумкин. Бу ерда пахтадан мўл ҳосил олиш ташаббуси умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Республика хўжаликларининг неча ўнлаб бригадалари коллективлари 50 центнерчилик ҳаракатини дадил давом эттирмоқдалар. Биз 50 центнерчилар сафида Регар районидаги Ленин номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Жўра Раҳмонов ва Ўғилой Мелиқўлова, Кўлоб районидаги Шаталов номли колхоздан Ҳосият Пирназарова, Колхозобод районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Суйин Жонқулов, Қумсангир районидаги Жданов номли колхоздан Ҳусаин Норова, Восе районидаги Томин номли колхознинг Жаббор Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ва бошқа ўнлаб пахта усталари етакчилик қилаётган коллективларининг пахта далаларида мўл «оқ олтин» ҳосилига замин яратилаётганлигини кўрдик.

Ўзаро текшириш давомида биз тожик пахтакорларининг меҳнатдаги ажойиб ютуқларини ўз кўзимиз билан кўришга муяссар бўлдик. Мусобақадошларимиз айниқса ингичка толали пахтани етиштириш ва парвариш қилишда ажойиб тажриба тўплаганлар. Айни пайтда ғўза ниҳолларини одатдагидан зичроқ жойлаштириш тажрибаси ҳам бизда маълум қизиқиш уйготди.

Июль ва август ойлари ғўза тақдирини ҳал қилувчи даврдир. Бу даврда ғўза ниҳоли энг юқори даражада сув ва озуқа талаб қилади. Чунки, худди шу муддатларда ғўза ўсиш даврининг энг юқори нуқтасида бўлади ва айни пайтда ҳосил шохлари кенгайиб, шона ғулга, гул кўсакка, кўсак эса марварид чаноқ қатор ораларига ишлов беришни юксак агротехника қоидалари асосида ўтказиш тақозо этилади. Бу даврда ғўзани чанқатиб қўйиш ҳосил учун нақадар зарарли бўлса, ниҳолларни бостириб суғориш ҳам шунчалик зарарлидир. Ҳавода иссиқлик даражаси 38-42 даражага етганда суғоришни озгина муддатга кечиктириш ҳам ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатади, пастки ва ўртанги мева шохларида шона ва гулларни тўкилишига олиб келади.

Юксак агротехника билими ва тажрибалари билан қуролланган Тожикистон пахтакорлари ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни — тўққизинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан уддаламоқдалар. Республика пахта далаларида ғўзаларни охирги озиқлантириш давом этмоқда. Пахта усталари маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланмоқдалар. Бу борада ҳам Тожикистон пахтакорларининг ўрганса арзигулик тажрибалари бор. Қардош республикада ривожланишдан кечиккан майдонларда ва қайта экилган пахта далаларида ғўзаларни табақалаб парваришлаш, «шарбат» билан суғориш усуллари кенг йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика пахтакорлари олдига улкан вазифалар қўймоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва пахтачиликда эришилган ўтган йилги рекорд натижаларини ортда қолдириш — ўзбек пахтакорларининг муқаддас бурчига айланган. Маълумки, бу йил республикамиз пахтакорлари 4 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун сўз берганлар. Бироқ шуни сир сақламаймизки, ҳар бир ўзбек пахтакорининг қалбида шу йилнинг ўзидаёқ бу рақамни 5 миллион тоннага етказиш иштиёқи жўш уриб турибди. Бу реал мақсаддир. Пахтакорларимиз бу юксак аҳдга яраша меҳнат қилиб, етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш ва ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашни кун сайин кучайтирмоқдалар. Пахтачиликда улкан ютуқлар ҳақида гап кетар экан, эндиликда шу нарса аён бўлиб қолдики, пахтачилик тараққиётини комплекс механизацияни кенг ривожлантирмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳосил йиғим-терими — пахтачиликнинг бош масалаларидан бири. Сўнгги йилларда республикамизда пахтачиликни комплекс механизациялашда кескин бурилиш ясалди. Бундан бир неча йил муқаддам пахта йиғим-терими декабрь ойларининг охирига қадар давом этар ва пахтачиликдаги даромаднинг асосий қисми йиғим-теримга сарф бўларди. Биз эндиликда пахта йиғим-теримини энг қисқа муддатларда — 20-30 иш кунида тугатаётган ва бунинг эвазига кўплаб моддий даромадни тежаб қолаётган ажойиб илғор колхоз ва совхозларнинг иш тажрибасига эгамиз. Бунинг учун ҳамма жойда машина теримини кенг йўлга қўйиш ва ҳар бир машинада имкони борича кўпроқ пахта теришга эришмоғимиз зарур. Ўтган йили республикада ҳар бир машина билан ўртача 79,7 тоннадан пахта терилган бўлса, Андижон, Наманган ва Фарғона областларида ўртача 100 тоннадан пахта теришга эришилди.

Мамлакатимизнинг пахтакор республикалари йил сайин улкан ютуқларга эришмоқдалар. Янги зафарлар ҳақида сўз борганда, социалистик мусобақанинг қудратли кучи, пахтакор республикаларнинг социалистик мусобақа шартларига асосланган ўзаро текшириш бригадалари, айрибошлаш анъаналари тобора бой мазмун ва маъно касб этаётганлигини таъкидлаб ўтамиз. Бу йилги ўзаро текшириш бригадаси вакилларининг текшириш якунлари қардош республикаларда социалистик мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш ва тўққизинчи беш йиллик марраларини забт этиш ишида муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига шубҳа йўқ.

Э. ШАЙХОВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри, республика пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи.

Андижон областидаги Мирзаахмедов номли совхознинг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Уммати Эгамбердиев бошлиқ бригада аъзолари 84 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини бешинчи ишловдан чиқардилар. Ҳар бир ниҳолда 4-5 тадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлди. Суратда: «Октябрь революцияси» орденли бригада бошлиғи У. Эгамбердиев ва 3-бўлим бошқарувчиси М. Нуриддинов ғўзаларнинг ҳосил тугунчаларини кўздан кечираётирлар.

У. Раҳимов фотоси.

МАРДИ МАЙДОНЛАР

Саратон қуёши олов пуркайди. Ғир этган шабада йўқ. Бепоён пахтазорлар мовий денгизга ўхшайди, Пайкаллар оралаб универсаллар ғувиллайди. Худди денгизда сузиб келаётгандай.

— Ёндириб юборай дейди-я, дейди ҳамроҳим, колхоз раисига юзланиб.

— Ёндиргани маъқул, — дейди Амирхон ака Мансуров, — Ёндирмаса, ҳашаротга бас келиш қийин. Ғўзамизни шу ҳарорат етиштиради, ҳосил қозонида қайнатиб беради. Иссиқнинг яхши бўлишига яраша, бу йил сув сероб бўлди. Ғўзаларимиз мириқиб сув ичяпти, қуёшда яшнаб ўсяпти.

Раис йўлнинг икки ёнидаги серавж ғўзаларга завқ билан қараб қўйди.

— Бу учинчи бригадамиз ерлари, — деди Амирхон ака. Йўлнинг ўнг томонидаги пайкалларга ҳавас билан қараётганимни кўриб, — Юқори ҳосилли, илғор бригадаларимиздан, Ленин орденли Султон Нурматов бригадаси, эшитгандирсиз?

Ҳа, Иштиҳон районида энг юқори ҳосил олгани учун Ленин ордени ва «Волга» машинаси билан тақдирланган уста пахтакор Султон акани ким эшитмаган дейсиз. Ерга меҳр қўйган, меҳнатни жон-дилидан севган кишини эл эъзозлайди. Унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Султон ака Нурматов ҳам ана шундай эл эъзозлаган кишилардан. У бошчилик қилаётган бригада далаларини кўздан кечирарканмиз, бу ҳурматнинг боисини яхши тушундик.

Биз Султон ака Нурматовни чеканкадан чиққан ғўзаларни кўздан кечираётган пайтда учратдик.

— Яхши оляптими? — сўради раис ЧВХни ҳайдаб кетаётган Эргаш Аҳмедов томонга қараб.

— Бир оз сабр қилганимиз яхши бўлди-да, ғўзалар бир текис ўсди, — деди Султон ака бир билан сўрашгач, — Мана энди 90 сантиметрга кўчганимиз ҳам қўл келяпти. Айни машинабоп бўлди-да.

— Қанчаси чеканкадан чиқди?

— Мавжуд майдонларнинг ярмидан кўпи чиқди. Икки тракторнинг ўзи оляпти. Машина шунча қўл ишидан озод қилди. Ҳозир сувчиларда ташқари аъзоларнинг ҳаммасини сигнал чопиққа қўйганмиз. Чеканкани машиналарнинг ўзи уч кунга қолмай тугаллайди.

Биз Султон ака билан дала айландик. Бригаданинг ҳозиргч ишлари, режалари ҳақида суҳбатлашдик.

8- «Март» колхози райондагина эмас, Самарқанд областида ҳам энг илғор хўжаликлардан бири. Колхоз 1100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 3850 тонна «оқ олтин» армуғон этмоқчи. Бу хирмонда Султон Нурматов бошлиқ 3- бригада деҳқонларининг муносиб улуши бўлади. Бригада аъзолари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида 97 гектар ерга чигит экиб, ҳосилдорликни гектар бошига 38 центнерга етказиш мажбуриятини олишган. Ваъда вафоси билан чиройли дейди халқимиз. Учинчи бригада миришкорлари ҳам ваъдаларига яраша меҳнат қилишаётир.

Барча майдонларда чигит бир текис ундириб олингач, парваришга зўр берилди. Ҳозиргача бригаданинг ҳамма майдондаги ғўзаси тўрт марта парваришдан, уч марта сувдан чиқарилди. Ғўзалар пастроқ бўлган жойларга қўшимча равишда маҳаллий ўғит солинди, «шарбат» оқизилаётир. Суғориш группа усулида ташкил этилган. Турхон Бойманов, Нажим Муротов, Ўрин Остонов сингари илғор сувчилар ғўзаларни оби ҳаётга қондиришмоқда. Ҳамма майдонларда ғўзалар бир текис, машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 5 тадан бўлиқ кўсак, 10 тадан гул бор.

Ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олишга аҳд қилган бригада аъзолари ғўза парваришини бирор кун ҳам бўшаштирмаётирлар. Қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш, саратон сувига қондириш ва ғўзага ҳашаротларни йўлатмаслик — уларнинг шу кунлардаги асосий вазифаси. Кунига ҳар бири 7-8 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов бераётган механизаторлар Эргаш Аҳмедов билан Ҳусан Турсуновлар бригаданинг қаноти. Улар ҳозир етилган пайкалларни культивация қилишаётган бўлса, ҳадемай, «зангори кема» штурвалига ўтирадилар. Комсомол аъзоси Эргаш Аҳмедов ўзининг «Ўзбекистон» машинаси билан 250 тонна, Ҳусан Турсунов эса «ХТ-1-2» машинаси билан 120 тонна пахта термоқчи.

Ишингизга унум, хирмонингизга барака, марди-майдонлар!

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Қўрғонтепа районидаги Ҳамза номли совхоз деҳқонлари областда биринчи бўлиб тўққизинчи беш йиллик планни тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиқишган эди. Андижон область партия комитети бу ташаббусни маъқуллаб, уни бошқа хўжаликларга кенг ёйиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Хўжалик заршунослари ваъдага вафо қилмоқдалар. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш да 85 та трактор қатнашмоқда. Ҳозиргача ниҳолларга беш марта ишлов берилди, уч марта қондириб суғорилди. Ғўзалар шода-шода нўсак тугиб, кун сайин барқ уриб ўсяпти. Суратларда: (чапда) ғўза қатор ораларига техника воситасида ишлов бериш пайти. Ўнгда эса совхоз директори, область Советининг депутати Абдурашид Абдурахмонов ва механизатор Ғулом Аҳмадалиев.

Р. Жуманиёзов фотолари.

Чет элларда

Янгиликлар Хабарлар Воқеалар

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КОБУЛ, 25 июль. (ТАСС). Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Афғонистон давлатининг бошлиғи Муҳаммад Довуд гапирди. У, жумладан, мамлакатнинг оғир аҳволи ва маъмурларнинг коррупцияси Афғонистоннинг республика, деб эълон қилинишига асосий сабаб бўлди, деди ва революция халқнинг фаровон бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандигини таъкидлади.

Муҳаммад Довуд собиқ подшоҳ оиласи аъзоларига ҳеч қандай шикаст етказилмаганлигини ва улар эндиликда мамлакатнинг оддий гражданлари, деб ҳисобланганлигини маълум қилди.

Президент аввалги режим тарафдорлари таъқиб этилаётганлиги ва ўлдирилаётганлиги тўғрисида ғарб матбуотида пайдо бўлган хабарларни рад этди. У афғон халқи билан армияси тамомила қўллаб-қувватлаган тўнтариш вақтида полициячи ва солдатлардан атиги 8 киши ҳалок бўлганлигини айтди.

М. Довуд берилган саволга жавоб қайтариб, чет давлатларнинг бironтаси ҳам 17 июлда бўлган давлат тўнтаришига аралашмаганлигини ва содир бўлган воқеалар афғон халқининг ички иши эканлигини уқтириб ўтди.

Президентнинг айтишича, ҳукуматнинг мамлакат ички ҳаёти соҳасидаги асосий мақсадлари экономикани ривожлантиришдан халқнинг турмуш даражасини оширишдан, қонунларга риоя қилишдан ва туб социал ислоҳотлар ўтказишдан иборат.

Афғонистон республика деб эълон қилиниши билан, деди Муҳаммад Довуд, мамлакатнинг аввалги конституцияси бекор қилинди. Яқин келгусида янги асосий қонун тексти тайёрланади ва қабул қилинади. Бу асосий қонун чинакам демократик қонун бўлади.

РАСМИЙ ВИЗИТ ТУГАДИ

ЛОНДОН, 25 июль. (ТАСС). Покистон президенти З. А. Бхуттонинг Англияга қилган икки кунлик расмий визити ниҳоясига етди. З. А. Бхутто бу ерга Англия ҳукуматининг таклифига биноан келган эди.

Покистон президенти Англия бош министри Э. Хит ва ташқи ишлар министри А. Дугласс-Хьюм билан қилган суҳбатлари вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга доир проблемаларни, Ҳиндистон ярим оролидаги аҳволни ва бошқа халқаро масалаларни муҳокама қилди.

З. А. Бхутто бугун эрталаб Лондондан расмий визит билан Парижга жўнаб кетди.

ҲАСАН II БИЛАН БУМИДДИН УЧРАШДИ

РАБОТ, 25 июль. (ТАСС). Марокашнинг Агадир шаҳрида Марокаш подшоси Ҳасан II, Жазоир Революцион Кенгашининг раиси Х. Бумиддин ва Мавритания президенти Мактар Ульд Дадда ўртасида кенгаш ўтказилганидан кейин сешанба куни кечқурун бу ерда қўшма баёнот эълон қилинди.

Қўшма баёнотда бундай дейилади: Агадирдаги учрашув «икки томонлама муносабатлар ва маҳаллий муносабатларга доир масалаларни, шунингдек халқаро вазиятни муҳокама қилмоқ учун имконият яратиб берди. Уч давлатнинг бошлиқлари ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида бундан буён ҳам зўр бериб ҳаракат қилишга интилаётганликларини таъкидладилар».

Испания ҳукмронлигида бўлган Саҳрои Кабир проблемасига, дейилади ахборотда, алоҳида эътибор берилди. Ҳар уччала давлатнинг бошлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларига мувофиқ, Саҳрои Кабирнинг ана шу районида яшовчи аҳолига ўз ҳоҳишни эркин ва астойдил изҳор қилишни таъминлайдиган шароитда ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини амалга ошириш зарур эканлигини таъкидладилар.

РЕПРЕССИЯЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУЭНОС-АЙРЕС, 25 июль. (ТАСС). Бу ерда Монтевидеодан олинган хабарларга қараганда, Уругвай полицияси ҳукуматнинг фармойишига мувофиқ кенг фронт — Уругвайдаги тараққийпарвар партиялар ва ташкилотлар коалициясининг таниқли раҳбарларидан тўрт кишини қамоққа олган. Уругвай Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, мамлакатдаги энг йирик сиёсий ва жамоат арбобларининг бири Хосе Луис Массера, Социалистик партия Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Хосе Педро Кардосо, Христиан-демократик партиянинг раиси Хуан Пабло Терра ва ҳукмрон «Колорадо» партиясидан ажралиб чиққан фракция раҳбари Уго Баталья қамоққа олинган. Ана шу тараққийпарвар арбоблар полиция участкаларида суроқ қилинмоқда.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА НАРХ-НАВОНИНГ ОРТИШИ—ДОИМИЙ ҲОДИСА

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда озиқ-овқатнинг нархи мутасил ўсиб бормоқда. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, июнь ойининг дастлабки 13 куни ичидагина озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 процент қимматлашди. Гўшт, балиқ, нон-булка маҳсулотлари ва бошқа товарларнинг нархи сезиларли даражада ошиб кетди.

Бензиннинг нархи 2,6 процент, мазутнинг нархи 1,8 процент кўтарилди. Медицина хизмати кўрсатиш, транспортда юриш учун тўланадиган ҳақ ва бошқа хизмат кўрсатиш турларининг нархи ошди.

ЮПИ агентлиги меҳнат министрлигининг хабарини шарҳлаб, яқин вақтлар ичида нарх-наволарнинг янада ортиши кутилади, деб ёзади.

АҚШ президенти Р. Никсон «Экономиканинг барқарорлиги, программасининг навбатдаги, тўртинчи босқичи жорий этилажаги»ни эълон қилди. Бу программанинг моҳияти инфляция ва нарх-наволар ўсишини тўхтатишга уринишдан иборатдир.

БОНН. Кейинги ўн йил ичида ГФРда турмуш кечириш яна қариб 50 процент оғирлашди, деб таъкидлайди «Зандельсблат-интустрикурир» газетаси. Газетада ГФР статистика бошқармасининг маълумотлари келтирилади. Бу маълумотлар Ғарбий Германияда шу йилнинг июнида кун кечириш, 1972 йил июнига нисбатан 7,9 процент қимматлашганлигидан далолат беради. Қимматчилигининг ошиб бораётганлиги айниқса кўп болали оилалар ва пенсионерларга таъсир қилмоқда, деб таъкидлайди газета.

Кейинги бир йил ичида фақат озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб қолмай, шу билан бирга коммунал хизматлар кўрсатиш ҳамда транспорт учун ҳақ тўлашда ҳам нарх-наволар ортди. Масалан, шу даврда ичида газ ва электрдан фойдаланиш ҳақи 9,6 процент, темир йўл ва автобусдан фойдаланиш ҳаки 8,1 процент кўпайди.

Айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кейинги ой ичида ошиб кетди: шу йил июнида картошканинг баҳоси май ойига нисбатан 25 процент қимматлашди, ҳўл мева шу даврда ичида 34 процент тухум қариб 4 процент, сут 2,7 процент қимматлашди.

ВЕНА. 500 дан ортиқ трактор ишчи кундан буён Каринтиядаги энг йирик сут заводларига кириш йўлларини ўраб олган. Сут етказиб берувчи деҳқонлар қишлоқ хўжалик қуроллари ва машиналарининг нархи ошиб кетганлигига нисбатан шу хилда норозилик билдирмоқдалар ҳамда сут харид нархини оширишни талаб қилмоқдалар.

ЛОНДОН. Англияда кун кечириш яна кескин равишда оғирлашди. Нарх-наволарни белгловчи комиссия товарларнинг янги, узундан-узун рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхатга кўра, маҳсулотлар ва саноат буюмлари эндиликда яна қимматлашади. Булар орасида гўшт маҳсулотлари, ҳаравор қўшиб сирқаланган сабзавотлар, пулинт, ёғ, бир қанча спиртсиз ичимликлар бор. Бундан ташқари, меҳмонхоналарда яшаш ва овқатланиш ҳаки ҳам ошиб бормоқда.

РИМ. Статистика марказий институти берган маълумотларга кўра, шу йил май ойида Италияда кенг истеъмол молларининг нархи шу йилнинг апрель ойидагига нисбатан 1,5 процент, 1972 йилнинг май ойига нисбатай эса 11,1 процент ошди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи айниқса тез кўтарилиб боряпти. 1972 йил майидан 1973 йил майига қадар озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 13,5 процент кўпайди. Кейинги кунларда Италиянинг жанубидаги кўпгина шаҳарларда нон ва нон-булка маҳсулотларининг нархи ғоят тез ўсиб бормоқда. Неаполь ва Палермода айниқса оғир аҳвол вужудга келди. Бу шаҳарларда бир килограмм нонинг баҳоси 800 лирга етди.

АФИНА. Грециядa озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол моллари нинг нархи 1971 йил январидан 1973 йил апрелига қадар ўрта ҳисобда 25 процент кўтарилди. Бироқ, шу даврда ичида гўшт 38 процент, цитрус мевалари 43 процент қимматлашди, помидорнинг нархи эса қариб 2,5 баравар ошди. Пойафзал 40 процент, поезд ва шаҳар транспортида юриш, кино ва театрларга тушиш нархлари 25 процент кўпайди.

МОНТЕВИДЕО. Шу йилнинг биринчи ярмида Уругвайда кун кечириш 36,3 процент қимматлашди, деб хабар берди мамлакатнинг статистика ва цензлар бошқармаси. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи, кийим-кечак, квартира ҳаки, шунингдек коммунал хизматлардан фойдаланиш ҳаки ҳам ошиб кетди. (ТАСС).

Бугун Берлинда студент ва ёшларнинг X жаҳон фестивали очилади

ХАЙР МОСКВА, САЛОМ БЕРЛИН!

(РЕПОРТАЖ)

Вишнякидаги кўркам боғ қўйнига жойлашган Олий комсомол мактаби бир неча кун студент ва ёшларнинг X жаҳон фестивали қатнашчилари билан гавжум бўлди. Бу ерда совет ёшларининг энг сара, меҳнатда ва ўқишда чиниққан вакиллари улкан анжуманга қизғин тайёргарликни сўнгги бор синовдан ўтказдилар. Айниқса, улар иштирокида пойтахтдаги «Динамо» стадионида бўлиб ўтган манифестация барчада катта таассурот қолдирди.

Фестиваль арафасида совет ёшлари формасидаги йигит ва қизларнинг шодлигини сўз билан ифодалаш қийин. Барчанинг қалби оламолам ширин ҳиссиётларга лиммо-лим тўла. Ана шу қувноқ ва жасур, замонамизнинг энг асл фарзандлари орасида ўзбекистонлик йигит ва қизларнинг ҳам ўз ўрни, ўз нафаси бор.

Мана, қаршимда чўғдай қизил, шарафли байроғимиз каби алвон ранг кийимдаги қизни илк дафъа таний олмадим. Уни илгари миллий кийимда учратгандим. Энди эса Марғуба Бўстонова фестиваль қатнашчиларига Избоскан районидаги Шермат Юсупов номли колхозда ғайрат билан ишлаётган ўз бригадаси ёшлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилмоқда.

Сурхондарёлик «пўлат от» суворийси, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдусаттор Қурбоновнинг ҳамдўстлари бу ерда жуда кўпайиб қолди. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекистонлик ёшлар истиқомат қилаётган ҳоналардан дўстликни таранум этувчи куй-қўшиқлар кеча-ю кундуз эшитилиб турибди. Ҳозиргина ҳамюртларимиз даврасига меҳмон бўлиб келган қиз ўзини:

— Ядвига Лямонок — Белоруссия ССРнинг Глубокое районидаги «Победа» колхозининг участка бошлиғи — деб таништирди. Яна ширин суҳбат қизиб кетди.

Фестиваль қатнашчилари Берлинга йўл олишдан бир кун олдин, яқиндагина ўрганиб олишган «Дўстлик» қўшиғини баралла айтишди. Рус ва немис тилларида янграган бу жозибали қўшиқ Олий комсомол мактабининг шинам залида йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Сўнгра «Демократик ёшлар гимни» композитор А. Пахмутова ва ана шу гимн шеърнинг автори Л. Ошанинлар билан ҳамкорликда ижро этилди.

...Мана, ҳаяжонли дамлар ҳам бошланди. Ўзбекистонлик делегатлар тушган поезд пойтахтнинг Белоруссия вокзалидан фестиваль шаҳри томон йўл олди. Уларни йўл-йўлакай қизғин учрашувлар кутмоқда...

— Йигит ва қизларимиз, — деди фестиваль қатнашчиси, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофиржонов, — дастлаб Белоруссия комсомоллари билан учрашадилар, қаҳрамон қалъа Брестда ўтказиладиган митингда қатнашадилар. Республикамиз комсомоллари вакиллари ўзларининг энг яхши истакларини — серқуёш элимиз йигит-қизларининг диққатга сазовор ишларини чет эллик дўстларига ҳикоя қилишга ошиқишмоқда.

Мана, бугун Берлин кўчаларида қизғин тантаналар бошланади. Узбек карнай-сурнайларининг шўх овози йигирма мингдан ортиқ фестиваль қатнашчиларининг диққатини ўзига тортиши, шубҳасиз.

Ж. РАЗЗОҚОВ,
«Совет Узбекистони» штатсиз мухбири.
Москва шаҳри.

„ЎЗБЕКИСТОН" ОРОМГОҲИ

КИСЛОВОДСКДАН ХАТ

Табиат сахийлик билан эҳсон этган гўзал, оромбахш ва хушманзара Кисловодск жаҳонга машҳур. Бу курорт шаҳри жонажон Ватанимизнинг бир бўлаги сифатида порлоқ юлдуздай нур сочиб турибди.

Кавказ тизма тоғ этаклари билан туташиб кетган ана шу ажойиб масканнинг шифобахш сувларини бир маротаба ичган киши қайта яна бу ерни қумсайди. Ёқимли об-ҳавосини айтмайсизми?

Кисловодск Есентуки, Пятигорск ва Железноводск синғари ўзининг минерал сувлари билан шуҳрат қозонган. Шу кеча-ю кундузда қимматли капитал — инсон сиҳат-саломатлигига хизмат қилаётган саксон тўрт хил сув булоғи дам олувчилар хизматида. Бунинг устига ҳар йили бу ердан она-Ватанимизнинг турли районларига неча ўн миллионлаб шишада шифобахш сувлар юборib турилади.

Кисловодск — энг қадимий курортлардан. Шимолий Италия ва жанубий Франция ҳамда Қримнинг жанубий соҳилидаги мўътадил ҳаво қўшилиб кетганлигини ҳисобга олганда, унинг нақадар оромгоҳ эканлиги янада яққол намоён бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Улуғ Октябрь тонги отгунга қадар бу шифобахш жойнинг роҳатини фақат бойлар, хонлар, беклар ва амирлар кўрганлар. Энди эса, бу ажойиб манзилнинг ҳақиқий хўжайинлари — оддий ишчилар, меҳнатсевар деҳқонлар, иши элга манзур зиёлилар, партия ва совет ходимлари бўлиб қолди.

«Узбекистон» санаторийсини Кисловодскнинг юраги деб айтиш мумкин. У энг чиройли, баҳаво ва энг кўркам ерлардан бирига жойлашган. Бу санаторий 1932 йилдан буён халқимизнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида қирқ мингдан ортиқ киши мазмунли ва маройли дам олиб, ўз соғлигини мустаҳкамламоқда. Узбекистон партия ва ҳукумати меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш ва уларнинг дам олишга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларини янада яхшироқ қондириш мақсадида республикамиз бюджетидан 1 миллион 800 минг сўм ажратиб, бу ерда 140 ўринли тўрт қаватли янги муҳташам бино барпо этди. Диёримиз ўзининг янги ажойиб шифохонаси билан фахрланса арзийди. Чунки бу масканда бунёдкор инсон саломатлиги учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд.

Санаторий турли-туман замонавий медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган. Электрорентген кабинети биохимия лабораториялари ва бошқа даволаш хоналари намунали хизмат кўрсатяпти. Бундан ташқари стоматология кабинети, массажхона, ҳаво билан даволайдиган махсус кабинетлар ишлаб турибди. Санаторийдаги учта корпусдан биттаси махсус, алоҳида шарт-шароитга мослаб қайта қурилган. Бу хоналарда ётоқхонадан бўлак, дам олиш хонаси ва ваннахона ҳам бор. Мазкур люкс хоналарга телевизор ва телефонлар ўрнатилган. Санаторийда икки юз кишилик клуб, ошхона, спорт ва волейбол майдонлари, кутубхона, музика саломлари дам олувчилар ихтиёрида. Санаторий ходимларидан ташкил топган қирқ кишилик концерт группаси дам олувчиларга намунали хизмат қилмоқда.

Шифобахш маскан бош врачи Геннадий Зайнутдинович Отабоев биз билан суҳбатда қуйидагиларни айтиб берди:

— Санаториймиз йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. 1971, йилгача бу ерда мавсумда 1300 киши дам олар эди. Янги корпус ишга туширилиши муносабати билан шу йилдан бошлаб бу ерда 2500—2600 киши маройли дам олиш имкониятига эга бўлади.

Акмал ПЎЛАТ.

Кисловодск. «Узбекистон» санаторийсида яна бир кўркам бино қад кўтарди. Суратда: (юқорида). янги корпус биносининг кўринниши. Бош врач Г. Отабоев, унинг ўринбосари Г. Солтамова, кутубхоначи Мороозва ва маҳаллий комитет раиси Г. Богдасаровалар тайёрланган овқатларни кўздан кечиришмоқда. И. Циганков фотоси.

«Занғори экран» солномасидан

ТОШКЕНТ МЎЪЖИЗАСИ

Телевидение халқимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Унинг миллионлаб томошабинларга таъсири кундан-кунга ошмоқда. Телевидение республикамиз ҳаётининг ёрқин кўзгусига айланиб бормоқда.

Томошабинлар ҳар куни минглаб хонадонларда, клуб, чойхона, маданият саройлари, меҳмонхона, мактаб, касалхона, институтларда телевизион программаларни кўришади. Юртимизда телевидение қадами етмаган жой қолмади.

Хозирги замон маънавий маданиятнинг ранг-баранг формалари орасида телевидениенинг ҳайратомуз тақдири тахсинга лойиқ. Бундан қирқ беш йил муқаддам Тошкентда дунёда биринчи телерепортажнинг гувоҳи бўлган кишилар кўчада юриб кетаётган одамлар ва трамвайларнинг ғира-шира тасвирини кичик экранда кузатиб, буни техника мўъжизаси деб қабул қилган эдилар. Телевидение бир неча ўн йил ичида ахборот узатишнинг оддий воситасидан ижтимоий ҳаётнинг муҳим фактори, ижтимоий-сиёсий фаолият формаларининг бири даражасига кўтарилди.

Электрон телевидение биринчи марта Тошкентда муваффақиятли синаб кўрилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Совет Узбекистони тўрт ёшга тўлиб бормоқда эди. Ёш республиканинг шаҳар ва қишлоқларида социалистик қурилиш, маданий революция соҳасида янгидан-янги муваффақиятга эришилаётган эди. Уша йили республикамиз тарихига ажойиб саҳифа битилди. 1928 йил 26 июль куни Тошкентда Ўрта Осиё алоқа округи биносида ҳамшаҳарларимиз Б. П. Грабовский, И. Ф. Белянскийлар яратган ҳамда ҳаракатланувчи тасвирларни электрон нур ёрдамида узоқ масофага узатиб ва қабул қилиб оладиган аппарат — «Радиотелефон» муваффақиятли синовдан ўтди.

Аппарат тахт қилиниб, электр токига уланганда приёмникнинг мўъжизагина экранида Белянскийнинг юриб тургани ҳам, бир неча марта бош киймини ечиб-кийгани ҳам равшан кўринди. Шу тарика жаҳонда энг биринчи телевизор иш бошлаб «ойнаи жаҳон», «жоме-жамшид», «Искандар кўзгуси» ҳақидаги афсоналар ҳақиқатга айланди. Орадан бир неча кун ўтгач, янги ихтиро собиқ «Хива» кинотеатрининг ёнида, одамларнинг кўз ўнгида синаб кўрсатилди. Узбек киноҳужжатчилари бу тарихий воқеани узун-узун лента-ларга муҳрлагиндар. Электрон телевидениенинг расмий синовларида қатнашган Ўрта Осиё Давлат университети профессори Н. Н. Златовратский раислигидаги махсус комиссия аъзолари протокол тузиб, унда синов тафсилотларини баён қилганлар. Мазкур ҳужжатда Грабовский ва Белянский бажарган ишлар илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам қимматли ва улар амалда ленинградлик таниқли олим, электрон телевидениеса назарий асос солган Б. Л. Розинг илмий хулосаларининг тўғрилигини исбот қилганликлари қайд этилади.

Радиотелефоннинг илмий-тарихий қиммати шунда эдики, у ҳозирги замон телевизион системасининг барча элементларини ўзида мужассамлаштирганди.

Узбекистоннинг партия ва давлат арбоблари ихтиочиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб турдилар. 1927 йилнинг баҳорида Узбекистон Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Й. Охунбобоев Самарқандда И. Белянскийни самимий қарши олади. Сўзларини диққат эътибор билан тинглайди, турмушларини суриштиради. Ихтиронинг аҳамияти ҳақида саволлар беради. Мутахассислар билан кенгашиб, ихтиочиларга зарур бўлган маблағни ажратиб беришни сўраб, республика Халқ Комиссарлари Советига хат йўллайди.

Республика Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 22 ноябрдаги мажлисида радиокино ихтиросига маблағ ажратиш алоҳида кўриб чиқилган ва бу масалани ҳал қилиш унинг раисига ҳавола қилинган. Электрон телевидение синовлари ҳақида «Қизил Узбекистон» (ҳозирги «Совет Узбекистони»), «Правда Востока» газеталарида бир қатор материаллар эълон қилинган. «Қизил Узбекистон» газетаси 1928 йил 23 апрель сонида ўз ўқувчиларига қуйидагиларни хабар қилган эди: «Комсомол аъзоси И. Ф. Белянский ва Грабовский минг чақирим узоқдаги нарсаларни кўрсатадиган аппарат ўйлаб чиқардилар... Бутун СССР шаҳарларида — Нижний ва Тошкентда бу тўғрида тажриба қилинмоқда. Бу хилдаги аппарат фақат СССРдагина бор... Аппарат Тошкентдаги тажриба станциясида ишлатилди. Шанба куни окрут алоқа идорасида шу тўғрида технический доклад бўлиб ўтди».

Синовлар тугагач, радиотелефон Москвага юборилди. Бироқ уни узоқ манзилгача бешикаст етказишнинг иложи бўлмади. Йўлда парчаланиб кетди.

1929 йил охирида Москвада турли ташкилот вакиллари, матбуот ходимлари иштирокида Грабовский ва Белянский ихтироси масаласида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ихтиочиларнинг ахборотини тингладилар, радиотелефонга оид ҳужжатлар билан танишдилар. Уларга Тошкентдаги синовни акс эттирувчи кинолавҳа намойиш қилиб кўрсатилди.

Узбекистон ССР Марказий давлат архиви, Ленинград область Октябрь революцияси ва социалистик қурилиш Давлат архиви, Ленинграддаги А. С. Попов номидаги Марказий алоқа музейи ашёларидаги Тошкентда телевидение соҳасида амалга оширилган ишларни тасдиқловчи кўплаб мўътабар манбалар сақланмоқда.

Радиотелефоннинг ўз вақтида амалга ошмай қолганининг баъзи сабаблари бор. Биринчидан, 20-йилларда мамлакатимизда ҳали электрон саноат вужудга келмаган, электрон системаларни ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароит етилмаган эди. Иккинчидан, телевиденининг тараққиёт йўлларини мутахассислар турлича тасаввур қилар эдилар. Минглаб совет олимлари, ихтиочилари, ишчиларининг меҳнати туфайли ҳозирги замон телевиденисига эга бўлдик. Электрон телевидениенинг пионерлари фаолиятига, уларнинг совет телевидениеси тараққиётига қўшган ҳиссаларига муносиб баҳо берилди. 1963 йилда СССР Радиоэлектроника давлат комитетида жуда кўп тарихий ҳужжатлар ўрганилиб, шундай хулосага келинди: «...патент берилгани юридик жиҳатдан ихтиро авторлари ҳамда, умуман, Совет Иттифоқининг бу соҳада биринчилигини исботловчи далилдир. У техникадаги ҳар қандай янгилик сифатида телевиденининг тараққиётида бир босқич бўлди».

СССР Фанлар академиясининг 1971 йил 20 январь қарорида Б. П. Грабовский, И. Ф. Белянскийлар узатувчи ва қабул қилувчи станцияларда электрон нур асбоблари ишлатиб, телевиденини амалга ошириш мумкинлигини исботлаганликлари қайд этилади.

Тошкентлик ихтиочиларнинг кашфиётларини радио-техника ва электроника бўйича халқаро матбуот уюшмаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, маориф ва маданият бўйича халқаро бўлими — ЮНЕСКО ҳам эътироф этган. Тошкент ихтиросини энди жаҳон билади

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Б. П. Грабовский ҳамда И. Ф. Белянскийларга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтиочия Фахрий унвони берилган.

Ҳамшаҳарларимиз ихтироси гуллаб-яшнаётган диёримиз тарихидаги ажойиб саҳифадир.

А. КАРИМОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

30 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 13.00— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.25 — Қишлоқ ҳаёти, 19.55 — Ахборот. 20.10 — Ёзувчи ва замон. 20.40 — Ўн минут музика. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Туманли тун (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. 19.15 — Телефильм. 19.30 — X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 20.16 — РСФСР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.30 — Бадиий фильм. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. 23.45— X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — **Душанба кўрсатувлари.**

31 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телевизион кўғирчоқ театри. 19.05 — Ахборот. 19.20— Концерт. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Оламда нима гап? 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — «Звездочка». 11.45 — Ҳарбий сир (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 20.00 — Адабий ўқиш. 20.30 — X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 22.00 — Беш йилликнинг учинчи йили (Тошкент). 22.30 — **Торжон чеварлари** (бадиий фильм). 23.45 — X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Бадиий ўқиш. 20.25 — **Фома Гордеев** (фильм-спектакль).

1 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Юлдузча». 19.05 — Ахборот. 19.20 — Ўзбекистон халқ шоири Уйғун. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дала ишлари кундалиги. 21.05 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «ВАҚТ». 22.30 — **Футбол.** 00.05— Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Кўғирчоқ фильм. 11.30 — **Андрейка** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Концерт. 19.30— «Архитектуура». 20.00 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Бадиий фильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Бахт ва меҳнат қўшиқлари. 20.20—Ҳужжатли фильм. 20.40 — Телеспектакль.

2 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Қувноқ пионер ёзи. 19.05 — Концерт. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Беш йиллиннинг ҳал қилувчи учинчи йили. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Алишер Навоий** (спектакль). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Алишер Навоий** (спектаклнинг давоми) **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Цирк программаси. 11.40 — **Уғилбола** ган (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Телеочерк. 19.30 — **Қизил меҳмонхона** (бадиий фильм). 20.30 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 22.00 — Меҳнат вахтасида (Тошкент). 22.30 — Концерт. 23.45 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари 19.10 — **Доктор Абстиннинг тажрибалари** (бадиий фильм). 20.45 — Тошкент оперетта театри. 21.15 — Телеспектакль.

3 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.40 — Қувноқ пионер ёзи. 19.35 — Концерт. 20.05 — Ахборот. 20.25 — **Кўрпангга қараб...** (телепостановка). 21.45 — Ўзбекистон кочегаркаси. 22.15 — Пахтакорларнинг янги марралари. 22.45 — «ВАҚТ». 23.15 — Музикали программа. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.55 — Тошкент. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.30— **Дорбозлар** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. От спорти бўйича СССР чемпионати. 19.00 — Целиноград телестудиясининг программаси. 19.30 — Адабий кўрсатув. 20.15 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 21.00 — **Футбол:** «ДИНАМО» (Берлин) — «ДИНАМО» (Москва). 22.45 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Фильм-концерт. 19.40 — Балет кечаси. 20.20 — **Керакли одам** (бадиий фильм).

4 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ. 9.50 — Янгиликлар. 10.00 — «Чарм ўтў» клуби совғини учун. 10.20 — **Экран ҳандаси.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Телефильм. 11.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.45 — «Здоровье». 13.15 — Мультфильмлар. 13.40 — Концерт. 14.10 — **Биринчи ҳужум** (бадиий фильм). 15.20 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 16.30 — **Ҳайвонот оламида.** 17.40 — Фильм-концерт. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Болалар учун кинопрограмма. 19.10 — Қувноқлар даврасида. 19.40 — Ахборот. 19.55 — Биз темирйўлчилар. 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — Ахборот. 20.45 —Дала ишлари кундалиги. 21.00 — Концерт. 21.50— «ВАҚТ». 22.20 — **Қобулдаги миссия** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.25 — МОСКВА. 19.00 — Фан ва маданиятимизнинг муҳим масалалари. 19.30 — Телеспектакль. 21.00 — СССРда Куба республикаси маданияти кунлари олдидан. 21.50 — ТОШКЕНТ. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.20 — МОСКВА. Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.25 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

5 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 10.40 — Оталаримиз жасоратн. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — **Кулранг сеҳргар** (телеспектакль). 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Бугун — Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни. 11.25 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.30 — Телефильм. 13.00— Музикали киоска. 13.30 — Мультфильмлар. 13.50 — Қишлоқ янгиликлари. 14.50 — Сўна (бадиий фильм). 16.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Ажойиб учрашувлар. 18.10 — Бугун — Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни 18.25 — Ахборот. 18.40 — **Экран ҳандаси** (такрорий кўрсатув). 19.20 — Ўн минут музика. 19.30 — Ниғорлар минбари. 19.40 — Ахборот. 19.55 — **Мархабо, талантлар.** 20.55 — МОСКВА. **Футбол:** СССР — ШВЕЦИЯ. 22.45 — Концерт. 24.00 — «ВАҚТ». 0.30 — М. Исаковский поэзияси. 01.15 — Концерт. 01.55 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивалининг бешинчи. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — Кинофильм. 11.30 — Ўқувчилар бригадасида. 17.30 — МОСКВА. Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 18.00 — «Правда» газетасининг спасий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинларнинг саволларига жавоб беради. 18.45 — Кинопанорама. 20.00 — Берлинда X Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 20.55 — ТОШКЕНТ. Мусобақадош маҳаллаҳўжорикорлар. 21.25 — «ЧАШМА» **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.45 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

СПОРТ

ХАБАРЛАР

ТЮМЕНДАН ТЕЛЕГРАММА

«ХАЛҚЛАР ҚОЯСИ» ЧЎҚҚИСИДА

Кекса Урал тоғининг энг баланд чўққиларидан бири «Халқлар қоясн» деб аталади. Тошкентлик бир группа альпинистлар навбатдаги ўз юришларини ана шу чўққини забт этишга бағишлашди. Забткорлар Тошкентдаги Чкалов номли самолётсозлик заводининг альпинистлари эди. Ўз юришларини Узбекистон Компартияси ва республика ташкил этилганлигининг 50йиллик юбилейига бағишлаган спортчи йигит-қизлар қийинчиликларни мардонавор енгиб, кўзланган маррага муваффақиятли чиқишди.

И. КАРПОВ.

ЧОРАК ФИНАЛ ҒОЛИБЛАРИ

СССР Кубоги учун футбол бўйича чоран финал мусобақалари бўлиб ўтди. Москва армиячилари навбатдаги учрашувда курашни давом эттириш учун 3:0 ёки 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишлари зарур эди. Лекин Киев динамочилари билан пойтахт армиячиларининг ўйини шундай натижа бердики, оқибатда Украина футболчилари ғолиб чиқишди. Динамочилар армиячилар дарвозасига жавобсиз уч тўп киритишга муваффақиятли синовдан ўтдилар.

Кубок ўйинларининг қолган учрашувлари қуйидагича натижалар берди: «Черноморец» (Одесса) — «Динамо» (Москва) 2:3, «Заря» (Ворошиловград) — «Арарат» 1:0, «Спартак» (Москва)— «Днепр» 1:2. Шундай қилиб, СССР кубоги учун ярим финал учрашувларида Москва ҳамда Киев динамочилари, «Арарат» ҳамда «Днепр» футболчилари куч синашадилар. Кубок учун курашдаги бу муҳим босқич ўйинлари 1 ва 15 август кунлари ўтади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

Биринчи программа. 9.45 —ТОШКЕНТ. 9.50 — Янгиликлар. 10.00— Мультфильм. 10.20 — **Телеминиатюралар** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.25 — Мультфильмлар. 13.00 — Бутуниттифоқ бадиий лотереяси. 13.30 — «Здоровье». 14.00 — Концерт. 14.20— Кинокўрсатув. 15.15 — Спорт программаси. 16.00 — Телеочерк. 16.15 — Музикали программа. 16.45 — «Инсон, ер, қоинот». 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.25 —Мультфильм. 17.35 — Еш дегирчилар клуби. 17.55 — Ахборот. 18.10 — Маҳаллаҳўжорикорлар учун кўрсатув. 18.25 — Ўн минут музика. 18.35 — Ахборот. 18.50 — Концерт. 19.45 — МОСКВА. Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари X фестивалининг очилиши. 24.00 — «ВАҚТ». **Иккинчи программа.** 11.00 — **Жўжаларим** (фильм-концерт). 11.25 — **Қувноқ воқеалар** (бадиий фильм). 12.55 — «Ешлик» студияси кўрсатади. 17.15 — МОСКВА. 17.40 — **Телеминиатюралар.** 18.25 Мультфильмлар. 19.00 — «Изланиш». 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — VIII Халқаро кинофестивал қатнашчилари — студиямиз меҳмони. 21.25 — Бадиий фильм. 22.50 — **Биринчи ва сўнггилар** (телеспектакль). **Учинчи программа.** 17.15 — ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VII да **Ўғирланган умр,** 29/VII да **Ой тутилган тунда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) — 28/VII да **Тошболта ошиқ,** 29 /VII да **Қайнона.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ифтихор — «ЎЗБЕКИСТОН» (кўпфў соатларда, кундуз ва кечқурун).

Анжелина ва қирол (2 серия)— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ДРУЖБА» (10.30, 12.00, 14.00, 15.15, 17.15 20.30).

Линанинг қисмати; Ваъда — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 14.00, 17.30, 20.30).

Сирли орол; Шундайку-я... — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 14.00, 17.30, 20.30).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.20).

Қорақум қўйнида — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Монпарнас кўчаси, 19-уй (12.00, 16.00, 20.00). **Бир юриш ортиқ** (14.00, 18.00, 21.45) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Муҳаббат қаримайди (2 серия) — «ЧАЙКА» (11.00, 14.00 17.30, 20.30).

Тақдир; Шундай муҳаббат бу — «МОСКВА» (11.00, 14.00, 17.30, 20.30).

Гигант (2 серия) — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Кабириянинг тунлари — КИРОВ номли.

Халқа — «РАКЕТА».

Садоқат — ТЕЛЬМАН номли.

Ҳур қизлар — «ХИВА».

Сирли орол; Шундайку-я... — «ФЕСТИВАЛЬ».

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ

сурма лабораторияси бўйича катта илмий ходим вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар директор номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент-100, Шота Руставели кўчаси, 45-уй

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ● ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

№ 176. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03548.